DOI: https://zenodo.org/record/7638066 Pages: 758-763



WOMEN IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT: SCIENCE AND QUALITY EDUCATION



3RD INTERNATIONAL CONFERENCE



ХОТИН-ҚИЗЛАР МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ВА СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИНИ ЯРАТИШ ДАВР ТАЛАБИДИР

Ҳилола Якубова
Самарқанд давлат архитектура қурилиш университети,
"ММОАЛ" кафедра ўқитувчиси
yakubova.h@mail.ru

Калит сўзлар: Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, замонавий шаҳарсозлик тамойиллари асосида қурилган хотин-қизларнинг марказлар яратиш.

Аннотация: Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнига алоҳида эътибор ажратилаётгани боис Республикада хотин-қизлар маданий-маърифий марказини шакллантириш ва архитектурасини яратиш долзарб масала ҳисобланади. Бугунги кунгача республика бўйлаб хотин-қизлар учун турли марказлар ташкил этилган ва улар ўз функциялари асосида фаолият олиб бормоқдалар. Аммо замонавий шаҳарсозлик тамойиллари асосида қурилган хотин-қизларнинг марказлашган маданий-маърифий биноси ҳали яратилмаган.

Ҳозирги кунда аёллар учун маслаҳат марказлари, гўзаллик марказлари, бичув-тикув ва пазандачилик ўқув марказлари ташкил этилгани барчамизга маълумдир. Бизнинг фикримизча ҳар бир шаҳар ва аҳоли пунктида ушбу марказларнинг бирлашган ягона марказлари ташкил этилса ва бир бинонинг ўзида аёлларга турли хизмат кўрсатиш амалга оширилса, янада самаралироқ натижага эришиш мумкин. Бу жуда кенг ва атрофлича ўрганишни талаб этиладиган масала ҳисобланади.

CREATION OF WOMEN'S CULTURAL-EDUCATIONAL AND HEALTH CENTER IS A REQUIREMENT OF THE TIME

Key words: Strengthening the place and status of women in society, increasing social and political activity of women, creating women's centers based on the principles of modern urban planning.

Abstract: In the years of independence of the Republic of Uzbekistan, special attention was paid to the place of women in society, so the formation and architecture of the women's cultural and educational center in the Republic is an urgent issue. Until today, various centers for women have been established throughout the republic and they are operating on the basis of their functions. But the centralized cultural and educational building of women, built on the principles of modern urban planning, has not yet been created.

We all know that counseling centers, beauty centers, sewing and cooking training centers have been established for women. In our opinion, a more effective result can be achieved if a unified single center of these centers is established in each city and settlement and various services for women are provided in one building. This is an issue that requires extensive and detailed study.

СОЗДАНИЕ ЖЕНСКОГО КУЛЬТУРНО-ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО И ОЗДОРОВИТЕЛЬНОГО ЦЕНТРА – ЭТО ТРЕБОВАНИЕ НЫНЕШНЕГО ВРЕМЕНИ

Ключевые слова: усиление роли и статуса женщин в обществе, повышение социально-политической активности женщин, создание женских центров на принципах современного городского планирования, архитектура женских центров.

Аннотация: Целью и задачей статьи является: определение необходимости, целей и задач создания женского культурного центра в Узбекистане; изучение существующей базы женских центров; разработка принципов формирования женских культурных центров; создание теоретической и практической основы архитектуры женских культурных центров.

Данное исследование создает основу для формирования женского культурно-просветительского центра. Исходя из рекомендаций, его можно использовать в практике градостроительства республики. В центре разработана функционально-типологическая схема для женщин всех возрастов.

Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш- халқимизнинг ўзига хос энг гўзал фазилатлардан бири. Аёлни улуғлаш - оилани, Ватанни, ҳаётни улуғлаш деб тушунади элимиз. Айниқса, мустақилликка эришилгач, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш борасида давлат аҳамиятига молик тарихий ишлар амалга оширилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиѐев раҳнамолигида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиѐсий фаоллигини ошириш, саломатлигини муҳофаза қилиш, интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ―Хотинқизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида‖ги ПФ-5325- сонли Фармони қабул қилинганлиги бунинг ѐрқин ифодасидир. Мазкур Фармон билан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиѐсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўѐбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллабқувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунгача республика бўйлаб хотин-қизлар учун турли марказлар ташкил этилган ва улар ўз функциялари асосида фаолият олиб бормоқдалар. Аммо замонавий шаҳарсозлик тамойиллари асосида қурилган хотин-қизларнинг марказлашган маданий-маърифий биноси ҳали яратилмаган.


Ҳозирги кунда аёллар учун маслаҳат марказлари, гўзаллик марказлари, бичув-тикув ва пазандачилик ўқув марказлари ташкил этилгани барчамизга маълумдир. Бизнинг фикримизча ҳар бир шаҳар ва аҳоли пунктида ушбу марказларнинг бирлашган ягона марказлари ташкил этилса ва бир бинонинг ўзида аёлларга турли хизмат кўрсатиш амалга оширилса, янада самаралироқ натижага эришиш мумкин. Бу жуда кенг ва атрофлича ўрганишни талаб этиладиган масала ҳисобланади.

Хотин-қизлар учун яратилган турли марказлар (ўқув марказлари, гўзаллик марказлари ва бошқалар)нинг назарий асосларини лойиҳалаш амалиётида қўллаш; хотин-қизлар маданий-маърифий марказларининг

назарий асослари Республикада биринчи маротаба тадкиқи этиляпти; тадқиқотларнинг натижалари ва тавсиялари асосида шаҳарнинг шаклланган архитектуравий муҳитини янада гўзаллаштириш; маданий-маърифий марказларнинг норматив базасини ислоҳ этиш; шаҳарнинг маркази, магистрал кўча ё бошқа кўзга кўринарли қисмида марказ учун қулай жой танлай олиш; хотин-қизлар маданий-маърифий марказининг янги авлодини яратишда-марказнинг экспериментал лойиҳасини яратишнинг дастур ва топширишларини тузиш имконияти ва хотин-қизларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, марказни замонавий талабларга мослаштириш асосида замонавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш имконияти.

Марказ лойиҳаси замон талабларига жавоб бера оладиган функциявий ечимларига эга. Унинг ҳажмий-фазовий ечимлари уч блок: маданий-маърифий, ўқув ва соғломлаштириш блокларининг ўзига хос ечимига эга бўлиб, қишги боғ воситасида бир-бирига боғланган.

Хотин-қизлар маданий-маърифий маркази қуйидаги **структурага** эга бўлади:



Хотин қизлар маданий-маърифий марказини ягона комплекс сифатида лойиҳалашдан мақсадимиз қуйидагилардан иборат:

- хотин-қизларга кўрсатилган хизматларда аёллар вақтини тежаш;

- уларнинг маданий-маърифий савиясини юқори даражага кўтаришда имкониятлар яратиш;

- болалик аёлларнинг ўқиши, соғлигини тиклаши, гўзаллик салонлари хизматидан фойдаланиши вақтида болалари учун кундузги соатбай болалар дам олиши ва ўйин хоналарини ташкил этиш;

- аёлларнинг ҳаётга бўлган қизиқиши ва кайфиятини кўтаришга, унинг ҳаётий фаоллигини оширишга бевосита хизмат қилиш;

аёлларга тегишли муаммоларни бир жойнинг ўзида, чўзмасдан узил-кесил ҳал этиш.[2]

Марказнинг замон талабларига жавоб бера оладиган функциявий ечимларига эга. Унинг ҳажмий-фазовий ечимлари уч блок: маданий-маърифий, ўқув ва соғломлаштириш блокларининг ўзига хос ечимига эга бўлиб, қишги боғ воситасида бир-бирига боғланган.

Марказнинг интерьери масалалари замонавий талаблар асосида ечилди. Энг таъсирчан интерьер қисми – бу уч блокни боғлаб турган метал ва шиша конструкциядан иборат қишги боғ ҳисоланади. Интерьерларини жиҳозлашда замонавий ва экологик материаллардан фойдаланиш тавсия этилади. Интерьерда вестибюль, галерея, фойе ва оранжереялар ҳаракатдаги меъёр ва қоидалар асосида олинган.[4]



Хотин-қизлар маданий-маърифий марказларининг назарий асослари Республикада биринчи маротаба яратиляпти. Лойиҳамнинг натижалари ва

тавсиялари асосида шаҳарнинг шаклланган архитектуравий муҳитини янада гўзаллаштириш; маданий-маърифий марказларнинг норматив базасини ислоҳ этиш; шаҳарнинг маркази, магистрал кўча ё бошқа кўзга кўринарли қисмида марказ учун қулай жой танлаш имкони яратилиши кўзда тутилган.

Хотин-қизлар маданий-маърифий марказининг замонавий янги авлодини яратишда марказнинг экспериментал лойиҳаси хотин-қизларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

[1] Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Устави

[2] Ўзбекистон Республикаси қизлар кенгаши низоми

[3] Уралов А.С., Рахимов А., Саидова Б.А. “Архитектуравий композицияси ва лойиҳалаш асослари”. Самарқанд,-2004. 23-стр

[4]Убайдуллаев Х.М. , Хидоятов Т.А. , Абдурахмонов Й.И., Коробовсев Г.И., Мансуров Я.М. “Архитектуравий лойиҳалаш”. Тошкент, ТАҚИ, 2012 й. Ўқув қўлланма. 221-стр.

[5]Иногомов Б.И. “Замонавий бино ва иншоотларни лойиҳалаш”. Тошкент, ТАҚИ, 2012 й. Ўқув қўлланма.

[6] Bakhtiyarovna, Y. K. (2022). Winter garden-rest for the soul. *Journal of Architectural Design*, *10*, 1-5.